

2022 йил 23 май

Тошкент шаҳар

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор А.Хайдаров бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “INNOVA PRO” МЧЖ қурилиш ва таъмирлаш корхонаси номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор Д.Анваров иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

«ижро ҳужжатлари»: — натура шаклида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини, ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

«қурилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

«вақтинчалик ишлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар хил типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

«беркитилган ишлар»: — сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома объектини умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома предмети.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Тошкент вилояти «Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Бўстонлик кўчаси 25 сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчаси 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш» объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома баҳоси.

3.1 Мазкур шартнома танлов комиссиясининг 2022 йил 19 майдаги 78121-сонли электрон баёнга билан “INNOVA PRO” МЧЖ бириктирилиб, мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ККС билан **685 042 282 (олти юз саксон беш миллион қирқ икки минг икки юз саксон икки)** сўмни ташкил этади.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1 Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни ушбу шартномада ҳамда унга 1-сонли иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот (объект) нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш.

4.2 Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни далолатномалар асосида топшириш;

4.3 Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

4.4 Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

4.5 Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

4.6 Қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

4.7 Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, қурилиш буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.8 Қурилиш майдонини қуриқланишини таъминлаш;

4.9 Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техника-хафсизлиги қоидалари ва карантин қоидалари билан таништириш, таъминлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.9.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50% дан кўп бўлмаган) бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

4.9.2 Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки қурилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга киришади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

5.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

5.2 Қурилиш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа вазифаларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3 Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

5.4 Молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига мазкур шартномага 2-сонли иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5.6 Пудратчига шартномада келишилган тўловларни объектни молиялаштирилиш бўйича Манзилли рўyxати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўyxатдан ўтгандан кейин амалга оширади.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1 Шартнома миллий валюта (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, бироқ кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўyxатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага 1-сонли илова ишларни бажариш жадвалига мувофиқ, Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки қурилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

6.3. Электрон танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти қурилиш ишлари бошланган кундан эътиборан 35 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўyxатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдоридан аванс ўтказилади, бу жами **205 512 685 (икки юз беш миллион беш юз ўн икки минг олти юз саксон беш)** сўмни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95% доирасида амалга оширилади, бу **650 790 168 (олти юз эллик миллион етти юз тўқсон минг бир юз олтмиш саккиз) сўми** ташкил этади.

7.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати ўтганидан сўнг йил якунига қадар ишлар қийматининг 5% гача миқдорида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник аудиторини тайинлайди, техник аудитор Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда иштирок этади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда қурилиш ишларни олиб бориш тартибини Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни, техника хавфсизлигини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни топширади.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавобгар ҳисобланади. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

8.9.1. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома асосида Буюртмачига беради.

8.9.2. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.9.3. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9.4. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.9.5. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мазкур конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.9.6. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги босқич бошқа ишларни бажаришга киришади.

8.9.7. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.9.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига қоплайди.

8.9.9. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.1.0. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриклаш.

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

9.2. Битказилган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бир томонлама бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тартиби.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

Пудратчи:

12.1 Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

12.2 Лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

12.3 Пудратчи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

12.4 Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

12.5 Объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.6. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати жорий йилнинг декабр ой этиб белгиланади.

12.7. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.8. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истиқсно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

Буюртмачи:

13.1 Мазкур шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2 Ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолларда;

13.3 Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

13.4 Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи:

13.5 Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

13.6 Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонун ҳужжатларида мувофиқ иккинчи томонга 3 кун олдиндан ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома тарафларнинг бирортасини айби билан бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

14.1. Томонлардан бири шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди; "

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортилган ишлар суммасининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномада белгиланган жами муддатнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур шартномада назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни ҳам қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

16.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга кириди, бироқ, ушбу объектнинг молиялаштирилиши бўйича Буюртмачининг мажбурияти Манзилли руйхати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин кучга кириди.

16.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

Буюртмачи:

Тошкент вилояти ҳудудий филиали “Қўп
хонадонли уйларни мукамал ва жорий
таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти
объектларини қуриш бўйича ишжиниринг
компанияси” ДУК

Тошкент ш Бектемир т Х.Бойкаро-9

л/с 400121860274017069902110002

Марказий банк Бош бошқармаси

МФО: 00014, ИНН: 307905631

ОКЭД 43220

Тел:

Маля Вазирлиги Ғазначилиги

л/с 23402000300100001010

Пудрат ташкилот:

“INNOVA PRO” МЧЖ

Адрес: г. Чирчик, ул. Ниёзбек, 21

Р/С: 2020 8000 3009 4611 3001

В банк «Узпромстрой»

Чирчикский ф-л,

ИНН: 305 864 449 МФО: _00863

ОКЕД: 81100

Телефон: +99893-169-84-99

Директор

А.Хайдаров



Юрист

Э.Каримов

Директор

Д.Анваров



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 78121 на приобретение «Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бўстонлиқ кўчаси 25 сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчаси 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш» объекти

Способ проведения электронный

Дата 19.05.2022

Время рассмотрения 13.05.2022 10:50

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси Тошкент вилояти худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	AKRAMOV AZIZ SHAVKATOVICH	Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Секретарь комиссии	SULTANOV ERKINJON GENJABAYEVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими	lost-9090@mail.ru
Член комиссии	AXMEDOV DONIYOR ZIYAVUTDINOVICH	“Уйжойфондинспекцияси”нинг Тошкент вилояти худудий инспекцияси бошлиғи;	“Уйжойфондинспекцияси”нинг Тошкент вилояти худудий инспекцияси
Член комиссии	ISROILOV JAXONGIR OBBOSXONOVICH	“MARG’ILON INTEGRAL LOYIHA” МЧЖ лойиха ташкилоти директори	“MARG’ILON INTEGRAL LOYIHA” МЧЖ лойиха ташкилоти
Член комиссии	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O’G’LI	“КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси” Тошкент вилояти худудий филиали директори;	“КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси” Тошкент вилояти худудий филиали
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси инспектори	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.05.2022 года № лота 78121.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по капитальному ремонту зданий
Подробное описание	«Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бўстонлиқ кўчаси 25 сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчаси 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш» объекти
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	697 042 282.00
Стартовая сумма	697 042 282.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп 2. Муддати ўтган кредиторлик (Кредитдан) қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3. Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4. Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.Қ.Т	21	21	21	Экспертная		
INNOVA PRO MCHJ	21	21	21	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмларини мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 2 та дан кам бўлмаган кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (лизинг шартномаси ёки ижара асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги. 2. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.Қ.Т	15	15	15	Экспертная		
INNOVA PRO MCHJ	15	15	15	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) 3. Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 2 та мутахассисни мавжудлиги. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 5. Ходимларнинг йиллик уртача сони 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.Қ.Т	16	16	12	Экспертная		
INNOVA PRO MCHJ	16	16	16	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) 2. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	25	25	20	Экспертная		
INNOVA PRO MCHJ	25	25	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	697 042 282.00	690 042 000.00	07.05.2022 08:29:22	19.86
INNOVA PRO MCHJ	697 042 282.00	685 042 282.00	13.05.2022 02:00:01	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	70.4	19.86	90.26
INNOVA PRO MCHJ	75.2	20	95.2

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 78121 от 19.05.2022 года на приобретение «Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бўстонлиқ кўчаси 25 сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчаси 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш» объекти определила победителем:

INNOVA PRO MCHJ
305864449

и резервный исполнитель: М.М.Қ М.Ч.Ж. И.Т.К.Т (301161701)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Не согласен	301161701 корхона томонидан берилган 2 шакилдаги айрим ракамлар балансига тугри келмаслиги. 305864449 корхона томонидан такдим этилган форма 2 ККС 7 иловасига тугри келмаслиги ва бу корхонанинг асосий воситаси мавжуд эмас
Член комиссии	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	AXMEDOV DONIYOR ZIYAVUTDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISROILOV JAXONGIR OBBOSXONOVICH	Согласен	
Председатель	AKRAMOV AZIZ SHAVKATOVICH	Не согласен	Комиссия аъзоси SHAKIROV ABDUMANON

комиссии			XALILOVICH хулосаси бўйича
-----------------	--	--	----------------------------

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Norbayev Dusmurot Elomonovich 466049367

Sana: 31-03-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 35161

Obyekt nomi «Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ кўчасидаги 25-сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчасидаги 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш» объекти бўйича смета ҳужжатлари қийматини амалдаги нархларда ҳисоблаш»

Buyurtmachi - « MARGILON INTEGRAL LOYIHA» МЧЖ («КХУМ ва ЖТ ИТОҚБ ИК» ДУК (Тошкент ҳудудий филиали учун)

Bosh loyihachi - «MARGILON INTEGRAL LOYIHA» МЧЖ

Litsenziya АЛ-001710 давомий

Moliyalashtirish manbai - Бюджет ҳисобидан

Bosh pudratchi - Танлов натижалари бўйича аниқланади

Qurilish turi Мукамал таъмирлаш

Murojaat raqami: № 33793

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Лойиҳа топшириғи 2022 йилда буюртмачи «КХУМ ва ЖТ ИТОҚБ ИК» ДУК Тошкент ҳудудий филиали учун тасдиқланган ва «MARGILON INTEGRAL LOYIHA» МЧЖ лойиҳа ташкилоти билан келишилган.

1.2. Нуқсонли далолатнома, Бўстонлиқ тумани ҳокимияти томонидан 2022 йилда тасдиқланган.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Смета ҳужжатлари объектнинг бошланғич қиймати жорий нархларда 700192,544 минг сўм ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз тақдим этилган.

-локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхатлари.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Тақдим этилган ҳужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ кўчасидаги 25-сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчасидаги 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш»

-тупроқнинг қайта ишлаш;

- Ø 32 мм, Ø 63 мм иссик сув қувурларини демонтаж қилиш;

- Ø 63 мм иситиш қувурларини демонтаж қилиш;
- Ø50 мм, Ø-63 мм полиэтилен қувурларни ётқизиш;
- Ø 75 мм , Ø 110 мм; Ø 300мм пўлат қувурларни ётқизиш;
- отводлар, тройниклар, заглушкаларни ўрнатиш ва бошқалар.

3.2. Ишлар таннархини ҳисоблаш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги №261-сонли "Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жорий шартномавий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарорига асосан ресурс усулида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги №226-сон "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори ва шартномавий жорий нархларда таннархни белгилаш қоидалари -ШНК 4.01.16-09 га асосан амалган оширилган.

Смета ҳужжатларидаги дастлабки маълумотлар ШНК 4.01.16-09 "Қурилиш нархини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари" меъёрларига мувофиқ қабул қилинади.

4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

-

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- 5.1. Буюртмачи - «КХУМ ва ЖТ ИТОҚБ ИК» ДУК Тошкент худудий филиали. (2022 й.)
- 5.2. Лойиҳа ташкилоти - «MARGILON INTEGRAL LOYIHA» МЧЖ ҳисобланади. (2022 й.)

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида ўзгартиришлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритилди:

- иш ҳажми, асосий қурилиш материаллари нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари, машина ва механизмларни ишлатиш харажатлари, асбоб-ускуналар нархи тузатилди ва аниқланди.
- экспертиза мулоҳазалари ҳисобга олинсин;

6.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатлари бошланғич қиймати жорий нархларда 700192,544 минг сўм ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз тақдим этилган қиймати 3150,262 минг сўмга камайтирилди ва ҚҚС билан буюртмачи харажатларисиз 697042,282 минг сўмни ташкил этди

Камайтириш асосий қурилиш материаллари нархини, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатларини ва бошқаларни аниқлаштириш орқали эришилди.

Қайд этилишича, пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19 %, иш ҳаққидан ягона ижтимоий тўлов учун ажратмалар даражаси эса 12 % миқдорида олинади.

6.3. Демонтаж ишларини ишлаб чиқариш жараёнида материалларни қайтариш қиймати буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда белгиланади.

6.4. Ҳужжатлар буюртмачининг изоҳларисиз экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилади.

6.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши шарт.

7. Xulosalar.

7.1. Экспертиза натижаларини инобатга олган ҳолда, «**Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ кўчасидаги 25-сонли кўп қаватли уй ва Мустақиллик кўчасидаги 97,50,54-сонли уйларни мукамал таъмирлаш**» объекти бўйича смета ҳужжатлари қийматини амалдаги нархларда ҳисоблаш, 697042,282 минг сўм миқдорида ҚҚС билан буюртмачи харажатларисиз кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарорига асосан танлов савдо натижалари билан ишларнинг қиймати амалдаги меъерий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда танлов натижаларига кўра буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

Bosh mutaxassis: Xaziyeva Adilya Ravilevna 499162646